



Халқ Сўзи



БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 25 декабрь пайшанба.
Сотувда эркин нархда. № 260 (1777)

СОАТ МИЛЛАРНИ ЧОРШАБНА ХАБАРЛАРИ

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Хуллас, бизнинг спорт журналистларимиз ҳам бутун дунёда бўлгани каби газирини сувдан кўтариб қарадилару, барча ишқибозлар учун 1997 йилги футбол мавсумининг энг маҳоратли, энг тажрибали ва энг ишбилармон мураббийларини, футболчиларини аниқлаб бердилар.

Сўров натижаларига кўра, бошқалардан фарқ қилмайдиган, оддийгина Рустам Мирсодиқов (МХСК) йилнинг энг яхши мураббийси деб топилди. Иккинчи ўрин эса кўпни кўрган, рақибларини доғда қолдирган Юрий Саркисянга («Нефтчи») nasib этди.

— Энг зўр футболчи деган фахрий ном худди ўтган йилдагидек, «Пахтакор» ва Ўзбекистон терма командасининг машҳур дарвозабони Павел Бугалога тегишли бўлди. «Дўстлик» командаси ҳужумчиси Жафар Ирисметов иккинчи ўринда қолди, — дея хабар қилди Ўзбекистон Футбол федерацияси ходими Комилжон Жумаев.

ОБУНА — 98

«КОЙИЛ» АНДИЖОН!

Рўйхатни кўриб ишонмадик. Қайта-қайта кузатимиз. Андижонда 11879 та ташилот бор экан. Бундан қувондик. Катта вилоятнинг рўйхатини катта бўлади-да. Леким... Ҳозиргача улкан вилоятдан «Халқ сўзи»га бор-йўғи 1512, «Народное слово»га эса 129 та обуна бўлишибди.

Барибир ишонинг қийин...

«ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?

ВАҚТИ КЕЛМАДИМИКИН?

— 1993 йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси ИИВда хизматини ўташ муваққат Низомни қабул қилинган. Шу кунгача бошқа барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўз қонуларини Олий Мажлис сессияси томонидан расмийлаштириб олишди.

Аммо милиция ҳақида тўлақонли Низом қабул қилинмаганлиги учун хизматини ўташда ҳар хил чалқашликларга йўл қўйилганлиги.

Масалан, оддий фуқаро шидан бўшатилганда унинг стажига ўша кундан тўхтатилади. Милицияда эса бу тартиб бошқароқ. Яъни ходим эгаллаб турган лавозимдан олинсада, у шахсий таркиб билан ишлаш хизмати иштироғига ўтказилади. Қисқаси милиция ходими бўшатилса-да, стажига кетаверади. Бунга чек қўйиш вақти келмадимикин?

Қ. ҲУСАНОВ, ҳуқуқшунос.

ОББО!

СОВУҚДА ҚОЛГАН ҚАЛАМ

Жиззах шаҳрининг «Сайилжой» маҳалласида қурилган кўп қаватли 22-ўйиниқ ўтиниқ хонадони ёш ижодкорларга берилган. Уйсозлик корхонаси бунёд этган ушбу маҳаллада ижод аҳли икки йилдирки, азият чекади. Сабоби, иссиқлик тармоғи ишламапти.

— Уларнинг шаҳар уй-эсоилардан фойдаланиш трестини, вилоят ҳудудий коммунал хизмат бirlамаси раҳбарларига учрашгани ҳам фойда бермади, — дейди муҳбиримиз Х. Набираев.

Савол туғилади: Шу иш қўлдан келадиган, қалам аҳлининг раҳмини ейдиган мутасаддилар йўқмикин шаҳарда? Қисқаси, ижодкорлар уйи қачон исийди?

АРИЗА

РЎЙХАТДА ЙЎҚМАН

Онам Миржалилова Назмига тегишли ўйиниқ 1/3 қисми очик қоғаллиғи учун унга Тошкент шаҳар биринчи нотариал идорасининг 32-577 сонли ворислик гувоҳномаси бўйича эсалик қиламан. Бу ҳақда С. Раҳимов туман техник асёллар бюросига уй плани берилди. Токи нотариусдан хужжатларини расмийлаштиришга қадар орадан роса икки йил ўтди. Ҳозирги кунда кўндаланг бўлиб турган нарса — шу ҳовлига рўйхатдан ўтиши. Бу масалада бюро бошлиғи розилик бермаёттир. Ахир мен Тошкент шаҳри фарзандиман. Отам-опам, авлод-аждодим шу ерда яшаган-ку! Уй ҳам анча қаровсиз ҳола келиб қолган. Кўндан орзу қилиб юрсаним: оилам билан ўз уйимизда ота-онамнинг чироқларини ёқиб ўтирсак... Ҳозирда биз ҳеч қаерда рўйхатда турмаймиз, уй олишга на моддий жиҳатдан, на жисмоний жиҳатдан имкониятимиз йўқ. Шуларни ибобатга олиб, аризмани диққат билан ўқиб, ердамлашасизлар деган умиддаман.

М. МИРЖАЛИЛОВ.
Сағбон кўча, Олча тор кўчаси, 31-уй.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

Соат миллиларини Қурбон ЭШМАТОВ кузатди.

1998 йил — оила йили



Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лаҳзаси.

ОИЛА БУ ВАТАНДИР

Эркак учун дунё — уйдир,
Аёл учун уй — дунё.
Бу қадимий мангу куйдир,
Жон ила тандир гўё.

Ул бириси бўлмас экан,
Бул бириси ҳам йўқдир.
Бирни келма, бири елкан,
Мисли камон ва ўқдир.

Ул иккисин ишқ — вафоси
Бу дунёнинг устунли.
Ҳар ким билур бахт сафоси,
Топса умр дўстлини.

Бирин майин араз эрса
Еҳуд ширин истиқно.
Бирни агар кўкрак керса,
Силкигур еру само.

Ҳаёт чексиз буюк қалға,
Заминий ё ҳавоий.
Эр — деҳқон, аёл — дала,
Демши буюк Навоий.

Бирни арқоқ, бири ўриш,
Бирни кўзу бири қош.

Бу ҳаётни ҳар хил кўриш,
Бир мақсадда қўшмоқ бош.

Аёлнинг бир шўх кулгани
Эрни этур сарафроз.
Эр иланиш ишқ гулгани
Аёл кўнглини этур ёз.

Аёл уйда дунё тузлар,
Давом этар насллар.
Эр йўл босиб, денгиз сузлар,
Дуч келар тўрт фасларлар.

Фироқ бўлар, бўлар кўз ёш,
Севинч бўлар, дард бўлар.
Ким синога берса бардош,
Содиқ бўлар, мард бўлар.

Оила бу сеҳру меҳр,
Ҳаёт тўла олам.
Қайноқ туйғу, ёрқин эҳти,
Ўзлигин топган одам.

Оила бу, Ватандир бу,
Оллоҳ берган улғу бахт.
Истаимизки, кўрмай қайғу,
Ободда бўласин ҳар вақт!

Жуманиёв ЖАБОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ РАИСИНИНГ ВА ВИЛОЯТЛАР ҲОКИМЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида маҳаллий ҳокимият органларининг тутган ўрни ва масъулиятини кучайтириш мақсадида

Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР** ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоят ҳокимликларига эса вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари — вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи лавозимини жорий этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоят ҳокимларининг агроноат вазири масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи лавозимлари бекор қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 июндаги 301-сонли «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига тегишли ўзгаришлар киритилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

24 декабрь куни Олий Мажлис Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлари, республика Конституциявий суди, Олий суди ва Олий хўжалик суди раислари, Бош прокурори, бир қанча вазирлик ва идораларнинг, исиёсий партиялар депутатлик фракцияларининг раҳбарлари, парламент депутатлари иштирок этдилар.

Мажлисини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб бори.

Раислик қилувчи мажлисини оча тўрт шунли ташкил қилдики, депутатлар парламентнинг ўнинчи сессияси ишини бошлар эканлар, вақт шидат билан ўтиб бораётганлигини, халқимизнинг янги тарихи воқеалари жўқин ривожланиётганлигини, мустақил Ўзбекистон давлатчилигини қатор топирини ва мустақамлаш йўлида нақадар улкан ўзгаришлар содир бўлаётганлигини аққол ҳис этмоқдалар. Бу ҳол сессиямиз кун тартибидан ҳам, деди у, эртага депутатлар иш бошлайдиган вазиятнинг ўзида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси, таъйирларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ўнинчи сессияси, деб сўзини давом эттирди у, мамлакат тарихида биринчи бор ўзининг янги, муҳташам биносида — парламент аъзолари учун махсус бунёд этилган ҳамда қонун яратувчилар самарали ишлаши учун керакли ҳамма жиҳозлар билан таъминланган ҳайбатли саройда ўтаётганлиги муносабати билан ҳар биримизнинг кўнглимизда олам-олам қувонч, ифтихор ва миннатдорчилик туйғулари жўш урмоқда десам, ҳеч шубҳасиз, барча депутатларнинг муштарак туйғу ва кайфиятини изҳор этган бўламан. Парламент саройининг қурилиши қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўлган ҳурматнинг ёрқин белгиси бўлиши билан бирга унинг мустақиллиги инфодаси ҳамдир.

Э. Халилов беҳад кўп давлат ишлари орасида бу объектга эътибор беришга вақт топа олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга, Ҳукуматга, шаҳар маъмуриятига, меъморлар ва қурувчиларга, саройнинг бунёд этилишини ўзининг илҳомбахш меҳнати билан ҳисса қўшганларнинг ҳамма-хаммасига самимий миннатдорчилик сўзларини изҳор этди.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари, ўнинчи сессияга таъйирларлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишичи гуруҳининг раҳбари Б. Шодиева хужжатлар устидаги ишлар поёнига етказилганлиги ҳамда барча хизмат бўлинмалари сессияни ўтказишга тайёр эканлиги тўғрисида муфассал хабарот берди.

Мажлисида молия вазири Ж. Сайфуллин 1998 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси нобригнинг охирида Кенгаш мажлисида, парламент қўмиталари ва фракцияларда муҳокама этилгандан сўнг ўтган вақт мобайнида бу хўжат устида ҳукумат томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, макронисолиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов сўзга чиқдилар.

Кенгаш мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова, Марказий банк бошқарувининг раиси Ф. Муллажонов, Давлат солик қўмитасининг раиси В. Беганов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Й. Назаров қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабековни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳакимович Жўрабеков Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

А. И. Муҳитдиновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимидан озод қилиш тўғрисида

Азимжон Исмоилович Муҳитдинов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 декабрь

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ЎНИНЧИ
СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ
ТЎҒРИСИДА

Биринчи чакирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 25 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги биносининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ДЕПУТАЛАРИ
ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 25 декабрь куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси янги биноси мажлислар залининг фойсесида рўйхатга олинади.

ЮРТИМ ОСМОНИДА МУНАВВАР ҚУЁШ

ОЛИЙ МАЖЛИС ЯНГИ БИНОСИНИНГ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЗАЛИДАН РЕПОРТАЖ



Халқимиз яна бир муҳим тарихий воқеа арафасида турибди. Бугун Ватанимиз салоҳиятининг ўзига хос рамзи бўлган, янги салобатли бинода Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси ўз ишини бошлайди.

Президентимиз Олий Мажлис биносини кўздан кечириб, уни юксак баҳолагани ҳам бежиз эмас. Бу иншоот ҳақиқатдан ҳам

асрлар бўйи халқимизга хизмат қилади. Тарих саҳифаларига муҳрланиб қоладиган ҳаяжонли дамлар мана шу бинода кечади.

Олий Мажлис янги биносининг рўйхатга олиш залида депутатларнинг чехрасида ёруғлик, ҳаяжон борлигини ҳис қилдик ва улардан бир нечасини сўхбатга тортар эканмиз, ўз ҳаяжонларини шундай изҳор этдилар:

Эркин РАҲМОНОВ, 208-Хива сайлов округидан депутат:

— Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси янги бинода иш бошлётганидан жуда мамнунмиз. Унинг гузаллигини таърифлаш қийин. Бинонинг ичинги ҳайрат билан кўриб чиқдик. Гумбазнинг ичи айниқса ҳашаматли. Бундай бинода ишлаш, халқимизга хизмат қиладиган қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш кишига ҳам завқ, ҳам масъулият юклайди.

Сессия кун тартибиданги масалаларга келсак, уларнинг ҳаммаси ўта муҳим ва аҳамиятли. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси тўғрисидаги масала ҳаётимиз учун ниҳоятда зарур.

Президентимиз ташаббуси билан Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда бюджет масаласи катта аҳамият касб

этиши табиий ҳол. Чунки оилаларнинг фаровонлиги, турмуш даражасининг юқори даражада бўлиши, таълим тарбия, соғлиқни сақлаш ишларининг юксалиши ана шу бюджетнинг мукамаллигига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигига доир хўжат лойиҳалари ҳам бугунги кун эътиҳидан келиб чиқиб тайёрланган. Уларда деҳқонларга катта имтиёзлар берилганлиги, ерга эгалик ҳисси ҳуқуқига асослаб берилганлиги билан характерлидир.

Турғунўлат ДАМИНОВ, 22-Шайхонгоҳур сайлов округидан депутат:

— Дарҳақиқат, Олий Мажлисининг янги биноси миллий меъморчилигимизни акс эттирувчи улғувор иншоот бўлибди. Унга мустақиллик қошониси деб таъриф берилганлиги бежиз эмас. Янги бинода иш бошлётган навбатдаги сессия ҳам кун тартибиданги масалаларнинг муҳимлиги билан ажралиб



туради. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунлар лойиҳаларини бу соҳада туб ўзгаришлар эсайдиган хужжатлар, деб баҳолаш мумкин. Энди деҳқонларга муносабат ўзгаради, десак муболага бўлмайди.

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, ушбу соҳаларда бугунги долзарб муаммолар ечимини топиб беради. Табиатини муҳофаза қилиш, уни бор гузаллиги билан келажак авлодга етказиш бурчи ана шу хужжатларда қонуний аксини топган.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири,
Т. КАРИМОВ
олган суратлар.

Хурматли ватандошлар!



Ўзбекистон-Америка "Ўздунробита"
уяли телефон алоқа
қўшма корхонаси жамоаси
Ўзбекистон Республикаси
халқини кириб келаётган

янги 1998 йил


билан қизгин ва чин юракдан

ТАБРИКЛАЙДИ.

Янги йилда Ўзбекистоннинг ҳар бир
фуқароси ва оиласига улкан бахт, дўстлик
ва муҳаббат, тинчлик ва аҳиллик, моддий
фаровонлик, барча юксак орзу-ниятларнинг
ижобати, меҳнатсевар ва истеъдодли халқ
ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун
амалга оширилаётган тарихий ижтимоий-
иқтисодий ислохотлар йўлидаги меҳнат ва
ижодий фаолиятларида янгидан-янги
зафарлар тилаймиз!



UZDUNROBITA
cellular



Кеча-кундуз ишлайдиган
маълумот хизмати телефони: 30-09-09.

UZ-DAEWOO AUTO UZ-DAEWOO AUTO UZ-DAEWOO AUTO

"ЎзДЭУавто Ко."

акционерлик жамияти

барча юртдошларимизни
яқинлашиб
келаётган

**Янги —
1998 йил**

билан
самимий
муборакбод
этади.



ЎЗАГРОСУФУРТА

Давлат акциядорлик
суфурта компанияси


Ўзбекистон Республикаси
аҳолисини ва
қишлоқ хўжалик
маҳсулотларини
ишлаб чиқарувчиларни
яқинлашиб келаётган

**Янги
1998 йил**

билан самимий
табриклайди.



UZ-DAEWOO AUTO UZ-DAEWOO AUTO UZ-DAEWOO AUTO



1998 йил — оила йилида

Ўзбекистонда, уяли алоқа тизимида GSM-900 андозасини ривожлантириш борасида иш олиб бораётган

«COSCOM»



Ўзбек-Америка қўшма корхонаси жамоаси Сиз, азиз юртдошларни янги 1998 йил билан самимий муборак этиш шарафига муяссар бўлганидан гоят хурсанд.

Аминмизки, янги йил ҳар биримизнинг хонадонимизга қувонч, файзу барака олиб кириш билан бирга, мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётида янги босқич бўлиб қолади, унинг иқтисодий ва маданий юксалишида ўзига хос янги саҳифалар очади.

Ишончимиз комилки, «COSCOM» қўшма корхонаси жамоаси ҳам мамлакатимизнинг телекоммуникация тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшади. Оила йилида мамлакат бойлиги бўлмиш ҳар бир оила янада серфайз, дастурхони янада баракали ва бу дастурхоннинг мўл-кўл бўлишини таъминлашда тинимсиз меҳнат қилаётган ўзбек халқининг ишларида унум бўлсин!

Бугун дунёдаги илғор мамлакатлар уяли алоқа тизимида фақат GSM-900 андозасини танлаётганлигини Сизга мамнуният билан билдирар эканмиз, янги йилда ҳам бизнинг мижозимиз сифатида ҳамкорлик қиласиз, деган умиддамиз.



Тошкент, 700031, Воҳидов кўч., 118.
Тел.: (371) 1526688, 1526672. Факс: 1526671.
Фарғона, 712000, Партизан кўч., 51.
Тел.: (3732) 246217, 247652.

Самарқанд, 703001,
Комаров кўч., 4.
Тел.: (3662) 356138, 312126.

ABN·AMRO Bank

АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон А. Ж.

Ўзбекистондаги барча халқларни
кириб келаётган

Янги 1998 йил

билан самимий муборакбод этади!
Барчага иқтисодий ислохотларни
амалга ошириш йўлида
омад ва зафарлар тилаб қоламиз!
Истаймизки, йилдан-йилга
ҳар бир оиланинг моддий
фаровонлиги юксалиб бораверсин!



ABN AMRO Bank NB Uzbekistan A. O.

is pleased to wish all the people
of the Republic of Uzbekistan a very
Happy New Year!

May Peace and Happiness accompany
all your undertakings and ventures!
FROM A RICH HISTORY
TO A PROSPEROUS FUTURE.

masiСам PAL
8 mm VIDEO CAMERA RECORDER

Видеокамераси VP-K85



16 қарра оптик катталаштирувчи ва рангли
видеоизловчи 8 мм.ли видеокамера.

- Такмиллаштирилган юқори сифатли рангли видеоизловчи.
- 16 қарра оптик катталаштириш.
- HI-FI Stereo товуш.
- Ёруғлики кучайтириш учун ичига қўйилган лампа.
- 5 режимли автоэкспозиция.
- Махсус рақамли безаклар (электрон ва сунъий ёруғлик
филтрининг вазифаси).
- Титларнинг ичига жойлашган генератор.
- Катталиги таширф картчакасидек келадиган масофадан
бошқариш пулти.

Фирма дўконлари

ТОУ Ко. Лтд.	Тошкент	Амир Темуր кўчаси, 110	(3712) 34-02-58 35-09-86
Кафолат Файз	Тошкент	Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори	(3712) 42-29-89
Кафолат Файз	Тошкент	Қодирий кўчаси, 1, "Турун" меҳмон.	(3712) 41-46-38
Отахон	Фарғона	Ал-Фарғоний кўчаси, 20	(3732) 24-78-76
Наврўз	Андижон	Мустақиллик кўчаси, 14	(37422) 43-8-60

Technology
that works
for life

SAMSUNG

ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи
бундан мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алматы офиси:
Алматы, Орбита-3, 52"А" уй
Тел.: (372) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

SAMSUNG

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

Хикоямизни бироз юқорида пардада бошлашимизнинг ўзига яраша сабаблари бор. Шу пайтгача чиндан ҳам, юртимизда йод моддаси тансиқ эди. Уни валюта эвазига хорижий давлатлардан олиб келямиз. Ҳозир ҳам оляпмиз. Чунки йод табобатда ҳам, ветеринария соҳасида ҳам, кимё санъатида ҳам қўлланилади. Йод титан ва пўлат сиртларини мойлашда ишлатилади, озук ва ичимлик сувига қўшилади, ҳатто шишасозликда ҳам йод зарур ва ҳоказо...

Мамнуният билан айтишимиз лозимки, бу серқирра вазифали мода энди ўз она заминимиздан топилди. Тажрибавий қурилмада дастлабки 300 грамм йод олинди. Бу тоза, кристалл йоддан 150 литр йод эритмаси тайёрланади. Айрим журналист дўстларимиз ўз ахборотларида илк 300 граммни оз деб ўйлашиб, йоднинг дастлабки партияси олинди, деб ёзишди. Тажриба учун — оз эмас. Энди эса кўпайди. Шундай кунлар келадими, биз четдан эмас, балки талай чет ўлкалар биздан йод малҳамини сўрагилар.

Тўғри, бундай олиб қарасангиз, йод айтарли тансиқ мода ҳам эмасдай. Сабаби — у табиатда анча кенг тарқалган. Инсоният ўтган асрнинг биринчи ярмидан бошлаб, йодни денгиз сув ўтлари, селитра, шўр, маъданли сувлар, ҳатто табиий ва оқова сувлардан ажратиб олишни ўрганган. Лекин ҳамма гап шундаки, табиат ўзининг бу неъматини одамзотга осонликча ҳада этмапти.

Шундай табиат бойликлари борки, улар ер бағрида кенг ҳажмда, яхлит, ёмби ҳолатда учрайди. Масалан кўмир, туз конларини олайлик. Уларни ўзлаштириш технологияси анча содда. Бирок яна шундай моддалар борки, улар соф, яхлит ҳолда эмас, балки бошқа табиий жинслар, моддалар таркибидангина мавжуд. Учраганда ҳам, мисқоллаб, қатралаб ажратиб олинади. Улар анча мураккаб, серҳаражат технологиялики, бир неча босқичли тозалаш, филтрлаш ишларини талаб қилади.

Йод — ана шундай «инжиқликлар» билан қўлга киритилган, шу боис, ноёб, тансиқ бойликлардан бирига айланган табиий моддadir. Шу тўғрисида жажон бозоридан йоднинг бир тоннаси ҳозирги кунда 64 минг АҚШ доллари ҳисобида баҳоланапти.

Йодни айна кунларда санокли бир неча мамлакатга етказиб бераёпти. Бу — Япония, Хитой, АҚШ, Чили, Индонезия. Атрофидаги уммонлар сув ўтига бениҳоя бой бўлганлиги сабабли Япония дунёда энг йирик йод экспортчиси ҳисобланади.

Собиқ СССР даврида ёлғиз Туркманистондагина йод олинар эди. Ҳозир маълумотларга қараганда, у ердаги йод санъати ҳам ўз фаолиятини тўхтатган.

Бирок йод ҳар бир мамлакатга қўплаб миқдорда керак. Масалан, биргина республикамизнинг ўзидан кимё-доринолик санъати ҳамда ветеринария эҳтиёжлари учун «4» маркали йоднинг тоза, кристалл

ҳолатдагисидан йилга 10 тонна, калый-йод бирикмасидан — 2 тонна, 5 фоизли йод дамланмасидан 10 тонна керак. Биз юқорида йод жаҳон бозоридан қандай баҳоланаётганини айтдик. Энди



ДАШТИДАГИ МАЁК

Ниҳоят, Ўзбекистон ҳам ўз йод малҳамига эга бўлди...

бир ҳисоб-китоб қилинг: биргина йод моддасини олишга биз қанча чет эл валютаси сарфлашимиз керак!

Мадомки, бундай эҳтиёжни татминлаш учун ўлкамизда барча имкониятлар мавжуд эди. Фақат уларга биз мустақил бўлганимиздан кейингина муяссар бўлдик. Олимларимизнинг айтишича, йоддай ажайиб малҳам ер ости сув захираларимизда бас деганча бор. Мутахассислар Фаргона, Сурхондарё заминидан, Бухоро-Қарши артезиан ҳавзаларида, Устюрт яссиликларида йод таркибли сувларнинг улкан манбалари мавжудлигини айтмоқдалар.

Бир неча йил бурун олимларимиз Сурхондарё вилоятида Ховдаг, Какайти, Учқизил, Лалмиқор, Миршоди даштларидаги ероти бойликларини ўрганиб, бу ердаги нефть суоқликларига жўра-йўлдош бўлган маъданли сувлар таркибидан йирик миқдорда йод моддаси борлигини аниқлашди.

Жарқўргон тумани марказидан 10-12 километр масофадаги «Кат-тақум-2» разведка-изланиш қудуғи 1978 йилда қовланган эди. Қудуқнинг чуқурлиги 2306 метр. Худди шу қудуқдан 75 даража ҳароратли маъданли сув чиққан. Сувнинг таркибидан, жумладан, йод бор: бир

куб метр сув таркибидан 17 грамм! Бу табиатдаги бой йод таркибли шўр сувлардан биридир.

Ҳозирги мустақиллик шароитида ана шу захирани бемалол ўзлаштириш имкониятига эгамиз.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг буюртмасига биноан Ховдаг аталмиш бу ҳудудда йод ўзлаштиришга киришилди. Бу яхши хабарни эшитган Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳам захирани ўзлаштиришга бош қўшди, ҳамкорликда иш юришиб кетди. Хайри талбирни рўёбга чиқариш учун Фан ва техника давлат қўмитаси танлов ва инновация дастурлари бошқармасининг бошлиғи, профессор Али Охунович Охунов

ҳаммаёқ балчиққа айлантирилмаслиги лозим. Аксинча, маъданли сув тагин ер бағрига, ўзининг табиий ўзанларига қайтарилиши шарт. Иккинчидан, Ховдаг даштидаги қурилманинг ўзига хослиги шундаки, у кимёвий-технологик жараёни бажаради, яъни маъданли сув таркибидан йод моддасини ажратиб бериши лозим.

Йод олувчи қурилма устида даштда бир ярим йилдан кўпроқ меҳнат қилинди. Шу мўддат мобайнида Ховдаг кенгликларидан қишин-ёзин уймалашиб юрган бу одамларни кўрганлар уларни элимизнинг «мана ман!» дейдиган таниқли олимлари деб ўйламаган бўлсалар ҳам керак. Кўпроқ қиш кунларида эгиларига пахталик, оёқларига кирза этик кийиб, соч-соқоли ўсиб, қўллари қора мойга ботиб, саратоннинг жазирама ойларидан эса чехралари офтобда қорайиб, афти-ангорилан чанг ёғилиб юрганлари учун уларни оддий меҳнатчилардан ҳеч-ҳеч ажратиб бўлмас эди. Бунинг устига, қутилган натижани бермаган тажрибалар, ишни қайтадан бошлашлар, «Вақт кетяпти!» деб бошлиқларнинг кисталанг қилишлари, ана шулар юзага келтирадиган асабий ҳолатлар, ўртадаги яхши-ёмон гаплар... Буларнинг ҳаммасини улар ўз бошларидан кечиришди. Одамларнинг даштдаги шароит ва ўз-ўзлари билан курашлари бир ярим йил давом этди.

Ниҳоят тинимсиз изланишлар, сурункали тажрибалар ўз мевасини берди. Шу йилнинг декабрь ойи бошларида даштда ҳозир бўлган вилоят раҳбарлари, олимлар, муҳандис-техник ходимлар биргаликда ҳаяжонли дақиқаларнинг гувоҳи бўлдилар. Қурилманинг синов дақиқалари. Мотор гувилаб, қурилманинг бор вужудини титроқдан зириллатиб ҳаракатда келтирди. Унинг айланма блокларида ер тагидан тортилаётган маъданли сув шовиллади. Йирилганлар катализатор қаршида гул бўлиб, ундан кўз олмаши турибди. Ниҳоят катализаторларда анаор сувдай қип-қизил томчилар сирғала бошлади. Дашт бағрида муҳит ўзгарди: «Урра!» деган қувончли хайқириқлар янгради. Кап-қатта одамлар бахтиёрлигиндан ёш болалардай ирғишлаб, бақириб, бир-бирларини қучоқлаб ўпа кетишди.

Уларни тушунаса бўларди. Ахир қувонмай бўладими?! Ховдаг дашти билан пайваста эзгу мақсадлар юзага чиқди.

Вилоят ҳокими Жўра Норалиев илм ва меҳнат галабаси шарафига дашт қўйнида уюштирилган маърақада нутқ сўзлаб, олимларнинг кейинги ишларига ютуқлар тилади.

Чиндан ҳам, бу кенгликларда қатта ишлар энди бошланади. Ховдаг даштидаги қурилманинг икки миңораси беихтиёр уммонлардаги денгизларга йўл кўрсатувчи маёқни киши ёдига солди. Бу миңоралар теварак-атрофдаги поёнсиз даштлар келажакдан далолат берувчи маёқлардир. Уларга қараб қилиб ишонч билан тасаввур қиламиз: яқин истиқболда бу ерда ҳаёт гуллаб-яшнайдми. Кичик қурилма ўрнига йирик санъат иншоотлари қад кўтарилди, тонналаб йод олинади. Шаҳарлар пайдо бўлади. Мухлис САФАР.

қурилманинг ўзига хослиги шундаки, у кимёвий-технологик жараёни бажаради, яъни маъданли сув таркибидан йод моддасини ажратиб бериши лозим.

Йод олувчи қурилма устида даштда бир ярим йилдан кўпроқ меҳнат қилинди. Шу мўддат мобайнида Ховдаг кенгликларидан қишин-ёзин уймалашиб юрган бу одамларни кўрганлар уларни элимизнинг «мана ман!» дейдиган таниқли олимлари деб ўйламаган бўлсалар ҳам керак.

Кўпроқ қиш кунларида эгиларига пахталик, оёқларига кирза этик кийиб, соч-соқоли ўсиб, қўллари қора мойга ботиб, саратоннинг жазирама ойларидан эса чехралари офтобда қорайиб, афти-ангорилан чанг ёғилиб юрганлари учун уларни оддий меҳнатчилардан ҳеч-ҳеч ажратиб бўлмас эди. Бунинг устига, қутилган натижани бермаган тажрибалар, ишни қайтадан бошлашлар, «Вақт кетяпти!» деб бошлиқларнинг кисталанг қилишлари, ана шулар юзага келтирадиган асабий ҳолатлар, ўртадаги яхши-ёмон гаплар... Буларнинг ҳаммасини улар ўз бошларидан кечиришди. Одамларнинг даштдаги шароит ва ўз-ўзлари билан курашлари бир ярим йил давом этди.

Ниҳоят тинимсиз изланишлар, сурункали тажрибалар ўз мевасини берди. Шу йилнинг декабрь ойи бошларида даштда ҳозир бўлган вилоят раҳбарлари, олимлар, муҳандис-техник ходимлар биргаликда ҳаяжонли дақиқаларнинг гувоҳи бўлдилар. Қурилманинг синов дақиқалари. Мотор гувилаб, қурилманинг бор вужудини титроқдан зириллатиб ҳаракатда келтирди. Унинг айланма блокларида ер тагидан тортилаётган маъданли сув шовиллади. Йирилганлар катализатор қаршида гул бўлиб, ундан кўз олмаши турибди. Ниҳоят катализаторларда анаор сувдай қип-қизил томчилар сирғала бошлади. Дашт бағрида муҳит ўзгарди: «Урра!» деган қувончли хайқириқлар янгради. Кап-қатта одамлар бахтиёрлигиндан ёш болалардай ирғишлаб, бақириб, бир-бирларини қучоқлаб ўпа кетишди.

Уларни тушунаса бўларди. Ахир қувонмай бўладими?! Ховдаг дашти билан пайваста эзгу мақсадлар юзага чиқди.

Вилоят ҳокими Жўра Норалиев илм ва меҳнат галабаси шарафига дашт қўйнида уюштирилган маърақада нутқ сўзлаб, олимларнинг кейинги ишларига ютуқлар тилади.

Чиндан ҳам, бу кенгликларда қатта ишлар энди бошланади. Ховдаг даштидаги қурилманинг икки миңораси беихтиёр уммонлардаги денгизларга йўл кўрсатувчи маёқни киши ёдига солди.

Бу миңоралар теварак-атрофдаги поёнсиз даштлар келажакдан далолат берувчи маёқлардир. Уларга қараб қилиб ишонч билан тасаввур қиламиз: яқин истиқболда бу ерда ҳаёт гуллаб-яшнайдми. Кичик қурилма ўрнига йирик санъат иншоотлари қад кўтарилди, тонналаб йод олинади. Шаҳарлар пайдо бўлади. Мухлис САФАР.

Мухлис САФАР.



ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР ҲАЗИНАСИ

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг IX сессиясида бугунги кунда эски қўлланмалари билан замонвий кадрларни тайёрлаб бўлмаслигини уқтириб, давр руҳига мос дарслик, ўқув қўлланмалари яратиш кечиктириб бўлмайдиган зарур иш эканлигини ва бу вазифа маъналик профессор-ўқитувчилар зиммасига юклаганини лозимлигини таъкидлаб ўтган эди.

Ана шу муҳим вазифанинг ўз зиммасига олган Тошкент молия институтининг раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилари 1996/1997 ўқув йилидан бошлаб иқтисодий билим ТУРКУМ ўқув қўлланмаларини тайёрлаб «Меҳнат» нашриётида чоп эта бошладилар.

Профессор Е. Абдуллаев муаллифлиги ва ҳаммуаллифлигида тайёрланган бу туркум «Иқтисодий ислоҳот ва молия-кредит тизими» деб аталади. У 30 та ўқув қўлланмасидан иборат. Бугунги кунда маъжур туркумнинг бешта сови чоп этилди. Қўлда уларнинг қисқача шарҳи билан танишасиз.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ
Муаллиф Е. Абдуллаев маъжур қўлланма бозор турғисидаги умумий тушунарларни, унинг сир-асрларини, бозор иқтисодига ўттишдаги турли моделларни, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўттишдаги ўзига хос йўли, Президентимизнинг беш тамойили ва уларни ҳаётият таъбиқ қилиш тартиблари каби масалаларни илмий, айна вақтда кенг омма тушуниши учун соддагина шарҳлаб берган.

КРЕДИТ
Муаллифлар Е. Абдуллаев, Т. Бобоқолов умондан маъжур қўлланмада кредит турғисидаги умумий тушунарлар, кредитлаштириш ва унинг турлари, кредит механизми ва унинг бошқаришдаги роли, лизинг, кредит фонди ставкаси, кредит хавф-хатари, кредитга лаёқатлилигини аниқлаш кўрсаткичлари, умуман, бозор иқтисодига шартонда кредитнинг роли каби масалалар оммабоп тилда ёритилган.

ПУЛ
Ҳар доим пулнинг айланиб туришини таъминлаш зарур. Шундай қилиш керакки, у ухламасини, қадриятларини, ҳаммаси ишласин ва ишласин, оқсидан янги-янги «тийинчаларни» эргаштириб келсин. Ҳўш, буларга қандай эришиш мумкин? Бу борда давлатнинг монетар сийсати қандай? Миллий валюта муаммолари ва унинг қадрини кўтариш йўллари қанча? Маъжур ўқув қўлланма (муаллифлар Е. Абдуллаев ва Т. Қоралиев) ана шу масалаларга бағишланган.

СОЛИҚ
Ҳарб мамлакатларида «Дунёда ўлим ва солиқ туламасликдан қотиб қутулишининг ҳеч иложи йўқ» — дейишади. Ҳўш, солиқ нима? Уни тулашининг зарурлиги ва маъжурлиги нима билан изоҳланади? Фискал сийсат деганда нима тушунилади? Солиқ объекти ва субъекти, солиқ ставкаси ва имтиёзи, федерал ва маҳаллий солиқлар, солиқ стратегияси ва тактикаси, солиқ турлари ҳақида нима биласиз?

Муаллифлар (Е. Абдуллаев, Қ.Яҳёев) маъжур ўқув қўлланмада бу ва шунга ўхшаш саволларга содда ва раво жавоб беришган.

ҚИММАТЛИ ҚОЗГ'ОЗЛАР
Маъжур қўлланмада (муаллифлар Е. Абдуллаев ва

Ш.Шоҳзаминий) қимматли қозғозларнинг моҳияти ва уларнинг турлари, брокерлар ва дилерлар, максларлар ва тадбиркорлар қимматли қозғозлар бозори каби масалалар батафсил ёритилган.

Ҳўш, ТУРКУМнинг диққатга сазовор жиҳатлари нимада?

Биринчидан, ўқув қўлланмалар Президентимизнинг асарларини, ҳозирги замон иқтисодий назариялари, жаҳонда кенг ўрганилаётган «Экономикс» фани, молия-кредит, пул, бухгалтерия ва аудит, статистика, меҳнат ва маркетинг, тадбиркорлик ва бизнес соҳасидаги чет эл адабиётларини аниқлашга ўрганиш ва фойдаланишга ҳоҳла, шунингдек, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодига ўттишининг ўзига хос йўли ва тамойиллари, миллий иқтисодий шакллантиришда амалга оширилаётган ва муҳурлаштириб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки яқинлари ҳамда истиқболдаги вазифалар назарда тутилган ҳолда ёзилган.

Иккинчидан, туркумнинг мақсади аниқ: кенг омманга, ҳуусан, ўқувчи ва талабаларни иқтисодий билим қилишга эришиш, ўқув юртларидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларига бўлган таъқиқларни бир қадар юмшаттириш, ўқув қўлланмаларини жаҳон андозаси талабларига яқинлаштириш ва шунга эришиш.

Учинчидан, ўқув қўлланмаларнинг савол-жавоб тарзида тайёрланганлиги диққатга молиқдир. Иқтисодий дашт хабари бўлмаган ўқувчи ҳам қўлланмаларни ўқиб, энг асосий тушунарларга эга бўлади, хабардорлари эса ўз билимларига аниқлик ва изчиллик киритади.

Тўртинчидан, туркум ўқувчиларга ўз соҳасининг билимдон, ташаббускор, назарий ва амалий муаммоларини ҳақ қилишда дадил ва иқболдони билан умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган замоний таъқиқларни шакллантиришга қаратилган.

Бешинчидан, ўқув қўлланмаларнинг тузилиши ва ёзилиш услуби ўзига хоедир. Ҳар бир қўлланманинг иккинчи қисмида тест топшириқлари берилган. Бу ўқув қўлланмалар ва дарсликларнинг яратилиш амалиётида илк ва жуда ўринли ёлдош ҳисобланади.

Бирок гуруҳ кўрмасиз бўлмаганидек, туркумда айрим жузий камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Ҳар бир ўқув қўлланмада тегишли масалаларга нисбатан турлича назарий намоҳадларнинг қарши, фикри берилса фойдалан холи бўлмас эди. Муаллифлар олга сўрган айрим тамойиллар, тушунарларнинг бахсли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Шўбҳасиз, тадқиқур эркинлиги шароитида турли ёлдошулар, қарашлар бўлиши мумкин, чунки буни ижод эркинлиги талаб этади. Китобларнинг сўнггида айрим мураккаб атамаларнинг қисқача луғати берилса, тўзук бўлар эди.

Шунга қарамасдан, маъжур туркум ишлаб чиқариш раҳбарлари ва ташкилотчилари, ўқитувчилар, тадбиркорлар, бирча ўқув юртларидаги ўқувчи ва талабаларнинг билим савиясини оширишга, кенг омманнинг бозор иқтисодига фаол қатнашишига хизмат қилади, деб умид қиламиз.

М. ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Банк-иқтисод академиясининг ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор.



ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ

ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ

СОЛИҚДА

БИЛМАЙИН БОСДИ ТИКОНИ

Германия фуқароси, Франция модалар уйининг италян фирмаси бош дизайнери Карл Лагерфельд 3,1 миллион доллар жарима тўлайдиган бўлди.

Бизда ҳам ўзига хос лагерфельдлар йўқ эмас. Улар фурсат топилди дегунча даромадларини яширишга, атторнинг қутисидан йўқ фириблар ишлашиб, қандай бўлмасин солиқ тўлашдан қочишга ҳаракат қиладилар.

Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси махсус тафтиш ва назорат бўлими мутахассислари Қарши шаҳридаги марказий универсал дўкони фирмасида солиқ қонунларига риоя этилиши бўйича текшириш ўтказдилар. Фирмада 1995 йил ҳисоботи бўйича йиллик ялпи даромад 1079,7 минг сўм камайтириб кўрсатилгани, сотилган асосий воситалардан олинган даромаддан 2135,5 минг сўм яширилгани аниқланди.

Муборак туманидаги савдо ҳиссодорлик қорхонаси бошлиғи И. Чориев ҳамда бош ҳисобчи А. Йўлдошевлар бюджетга тўланадиган солиқ ва тўловларда «чалқошлиқларга йўл қўйгани» боис 141400 сўм тўлашга мажбур бўлдилар.

Ким-ким, моливий ишларда сўяги қотган, бу борадаги қонунқондаларнинг бузилмаслигига масъул бўлган ташкилотларда ҳам «мулланнинг айтганини қил» қабилида иш туталоётгани кишини ҳайратга солади. Шу йил биринчи ярим йиллик моливий натижалари бўйича вилоятдаги банк муассасаларига солиқ қонунларига риоя этилмаганлиги боис 3086,3 минг сўм жарима эзилди.

Энди ўзингиз ҳолисанилло айтинг, «бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, сирлари очилиб, яширилган даромадларни қўшимча жарима ва бўнақлар билан бир неча бор ошириб тўлашга мажбур бўлаётган ташкилотларнинг қонунбузар раҳбарлари ўз найранглари билан кимга фойдаю, кимга зарар етказмоқдалар?..

Уч-тўрт ойлик маоши бирданнига қўлига текканидан хурсанд бўлиб кетган У. Ҳусанов дарҳол Нишон туманидаги Ойдин очик ҳиссодорлик жамиятига қарашли 8-савдо дўконига йўл олди. Рўзгор учун зарур бўлган ун, шакар, совун... харид қилди. Инсоф қўчасидан ўтмаган сотувчи М.Сайимов ундан роппалароса 332 сўм уриб қолди. Бу ҳали ҳолва. Унинг ҳаммаси Китоб туманидаги агросаноат фирмасига қарашли савдо дўкони мудири Ю. Тўраев тўй қилиш орсусида «Армуғон» виноси харид қилган Ф. Гафоровдан нақд 1100 сўм ортиқча олинган солиқчилар тузоғига илинди. Касби туманидаги савдо ишлаб чиқариш очик ҳиссодорлик жамиятининг аралаш моллар дўкони мудири С. Хидиров, Чирокчи туманидаги Охунбоев матлубот жамиятига қарашли 30-дўкон сотувчиси М. Эргашевлар ҳам худди шундай хиёнат устидан қўлга тушдилар.

Бундай мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида савдо тармоқларида ўтказилган 1835 ҳолатда савдо-сотик қонунлари қўпол равишда бузилганлиги, 13108 сўм миқдоридан харидор ҳақида хиёнат қилинганлиги равшан бўлди. Айбдорлар устидан тўплаган 232 ҳужжат чора кўриш учун прокуратура, ички ишлар, суд органларига оширилди.

Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ, Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси матбуот гуруҳи раҳбари.



Оппоқ умидлар элади осмон, Мана оқликка бурканди ер ҳам.

Келди биз кутган саховатли кун, Сени мен, оппоқ қор... саодатли кун!

Т. КАРИМОВ сурат-лаҳзаси.

«ОИЛА ВА МАҲАЛЛА»

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университетининг маданият саройида «Оила ва маҳалла — маънавият, маърифат, тарбия ўчоғи» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

талабалар шаҳарчасида қарийб саккиз ярим минг оила мавжуд. Бу ердаги саккизта маҳалла ва талабалар уйларида 50 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда.

оила мустақамлигини таъминлаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини тобора ошириш, мустақил Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар, бу борада маҳаллаларнинг мавқеини ошириш зарурлигини таъкидладилар.

(ЎЗА)



Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг «Камолот» жамғармаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамда «Муштум» журнали жамоаси ташаббуси билан ўтказилган бу мусобақада барча вилоятлардан келган 250 нафар ёш кулгу усталари

ҚИЗИҚЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Алишер Навоий номидаги санъат саройида марҳум қизикчи Собит Асомов хотирасига бағишланган «Қизикчи — 97» беллашуви бўлиб ўтди.

иштирок этди.

Пойтахт аҳли ва меҳмонлар учун кун давомида танлов иштирокчилари ижросидаги ичкакуди ҳангомалар, аския ва латифалардан завқ олдилар. Мусобақа якунида ҳакамлар ҳайъати фарғоналик қизикчи Иқбол Шукур

ров ҳамда «Мирзо» қизикчилар театрининг актёри Валижон Шамшиевларни беллашув голиблари деб топди. Шунингдек, самарқандлик Зокир Очилдиев иккинчи, хоразмлик Зариф Собиров учинчи ўрин соҳиби бўлди.

(ЎЗА)

Кўнгил кўзгуси

ҲОКИМИЗ БИР, ТУФРОҒИМИЗ БИР

Инсон ҳаёт йўлларида қанча кўп қоқилса, фикри, тушунчаси шунчалик бойиб боради экан. Чунки ҳар бир қоқилишнинг сабаб ва моҳиятидан келиб чиқсангиз, қанча кам нарсани билишингиз, кўп нарсаларни ўрганишингиз лозимлигини англайсиз. Виждон ва руҳият каби тушунчалар олами нақадар назик ва сирли эканлигига баъзида ақлимиз бовар қилмайди.

Тенгдошларим орасида икки дўст ҳамisha бошқаларнинг эътиборини тортишарди. Улар ўқувчилик даврида бир хил кийинишар, ўқишар ва ҳамisha бирга юришарди. Дўстларим даврасида ўтириб, уларга эътибор бердим. Уларнинг иккаласи ҳам олий маълумотли бўлишган, қишлоқ ҳўжалигининг икки соҳасини бошқаришарди. Лекин, улардаги фарқ...

Инсоннинг мавқеини ташқи кўринишига қараб белгилаш хато ҳисобланади. Аммо улардан бирининг бундан анча йиллар аввалги тўла, тиниқ юзлари синиққани, юзларига ажин тушгани-ю, нимагадир қимтиниб ўтиргани, иккинчисининг ингичка жусаси тўлишиб, кўриниши салобатли бўлганини кўрдим. У ҳар бир дўстига илтифот кўрсатар, пулни пул ўрнида кўрмай ҳиммат кўрсатаётгани кишини ўйлантирарди.

«Одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр» дейишди. Амалдорлар шаънига тил теккизишдан йироқ, лекин улар орасида учраб турадиган ўз манфаатини кўзлаб, ҳалқ кўзини бўёб мол-дунё орттирилаган ва шунинг ортидан ўзини атофдагиларга ҳимматли қилиб кўрсатадиганлардан асрагин.

Дўстлар даврасидан чиқар эканман, дилим алла-

нечук гаш эди. Ҳозиргина кўрганам, синиққан, ҳорғин чехрани изладим. Йўқ, рўпарамдан журъатли, бир сўзли, чехраси очик, меҳрибон қиёфа чиқиб келарди. Дилимда нимадир йилт эди. Кечатгина ўқиганам, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Буҳорийнинг ҳадислар тўпламидаги парча ёдимга тушди. Унда «Жаноб Расуллоҳ саллоллоху алайҳи ва саллам Ҳазрати Али разияллоху анху ҳазратларининг эғнидаги туфроқни қоқайтиб: «Ултиравен ё, Абу Туроб!» деган эканлар (Туроб — туфроқ демекдир). Ҳазрати Али разияллоху анху ҳазратлари бу лақабини хуш кўрар эдилар», дейилди.

Бу эса инсон зотининг лойдан яратилган ва охири оқибат туфроққа бирикади дегани эмасми? Бас шундай экан, бу дунёдан кўз юмгач, туфроққа қўшилиб, вужудларимиз бири-киби кетай-ку. Ўзликни англаш, дунёни тушуниш, комил инсон тушунчаси мана шу нуктадан бошланмайди? Меҳру оқибат, иззат-ҳурмат, одамгарчилик тушунчалари мана шу охириги нуктани ҳис этишдан бошланмайди? Баски, вужуд хок экан, кибру ҳаво нега керак? Ахир ҳокимиз бир, туфроғимиз бир-ку!..

Жумагул СУВОНОВА.

«ПГС» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Иссиқда яшашни хоҳлайсизми?

КАЛОРИФЕРЛАР Сотиб олинг

Тел.: (8712) 79-14-29, 79-38-54. «С. Раҳимов» метро бекати.

ҲУНАР ҲАМ ИЛМ

Миллий кадрлар тайёрлаш ва ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатиш ҳақиқатан ҳам бугунги кунда энг долзарб масалага айланиб қолди. Президентимиз нутқида келтирилган индекс, «11-синфин битирётганлардан 20-25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб 10 фоизи олий ўқув юртиларига ўқишга кириши мумкин. Қолган 90 фоизи эса на аниқ бир ихтисос, на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-ҳунарни эгаллай олмайдими».

Мамлакатимизда 12 йиллик таълимнинг жорий этилиши ва охириги 3 йиллик таълимнинг ихтиёрий-мажбурийлиги аниқ муқддо бўлди. Бу 16-18 яшар йилит-қизларимизни ўз қобилияти, қизиқиши ва интилишига мос равишда ўқишга ёки касб-ҳунар ўрганишларига имконият яратди. Ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатиладиган 3 йиллик махсус мактаблар-қоллежларга педагогик ва педагогик-инженер кадрларни тайёрлаб бериш олий ўқув юртиларига, жумладан, педагогика институтлари зиммасига катта масъулиятлар юклайди.

Бизнинг институтимизда 1991 йилдан бошлаб меҳнат ва умумтехника фанлари ўқитувчилари тайёрлана бошланди. 1994 йилда шу соҳага оид махсус кафедра-умумтехника фанлари кафедраси ташкил этилди. Бугунгача бу мутахассислик бўйича 118 талаба тайёрланди, 94 талаба I-V курсларда ўқимокда. Ихтисосликнинг моддий-техник базасини мус-

таҳкамлашга алоҳида эътибор берилаетир. Айрим фанлар бўйича назарий ва амалий машғулотлар олинган тузилган шартномалар асосида Қўқон суперфосфат заводи ва мебель фабрикасида олиб борилди. Бу талабаларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан таништиришга, турли касбларни ўргатишга хизмат қилди. Урғини келганда шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги кунда меҳнат ўқитувчилари тайёрлашда бир қанча муаммолар бор. Қуйида бу борада айрим фикр-мулоҳаза ва таклифларимизни билдиришмоқчимиз. Биринчидан, меҳнат ихтисослиги бўйича педагогика институтига кириш имтиҳонларини, яъни тест саволларини шу соҳага мослаштириш керак. Аяни пайтада меҳнат ихтисослиги ва математика ихтисослиги бўйича бир хил тест саволлари қўлланяпти.

Маълумки, меҳнат ўқитувчиси бўлиш учун математикани чуқур ўзлаштириш шарт

эмас. Шу сабабли ҳозирда асосан математика ўқитувчиси бўлман деган талабалар ҳисобига меҳнат ихтисослиги гуруҳларига талабалар қабул қилинмоқда. Ҳақиқий меҳнат ўқитувчиси бўлман деганлар эса тест саволлардан ўта олмайдилар. Уларнинг меҳнатга тайёрлигини ижодий имтиҳон ўтказиш орқали синаб кўриш мақсадга мувофиқ эмасми?

Меҳнат ихтисослиги учун ўзига хос кириш имтиҳонлари ўтказиш, тест материаллари тузиш албатта осон иш эмас. Бунинг учун аввало мактабларда ўтиладиган меҳнат дарсларини республика бўйича бир тизимга солишга тўғри келади. Иккинчидан, вилоятлардаги ҳалқ таълим ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтларидаги меҳнат таълимига тегишли бўлимларнинг фаолиятини кенгайтириш, замон талабларига мослаштириш зарур. Учунчидан, республика педагогика фанлари, касб-ҳунар таълими илмий-тадқиқот инс-

титутлари ва таълим маркази каби муассасаларнинг, қолаверса, тегишли вазирликларнинг мажбур масала бўйича фаолиятларини янада кучайтирмоқ керак. Тўртинчидан, касб-ҳунар таълими бўйича тўплаган тажрибаларни ўргатиш ва оммалаштириш, шу соҳага оид илмий-методик янгиллик ва таълимларни ёритиш учун янги «Касб-ҳунар таълими» журналин тасвие этиш аяни муқддолар. Бешинчидан, 3 йиллик касб-ҳунар коллежларида ўргатиладиган касб-ҳунарларнинг турларини ва кўламини аниқлаш, шаҳар ва туманлардаги меҳнат биржалари, статистика ва истиқбол билан ҳамкорликда касбларга бўлган эҳтиёжни ўрганиб бориш кони фойда. Олтинчидан, танланган касб-ҳунарлар бўйича замонавий дастурлар, дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш бугуннинг талабидир.

Умуман олганда, бу ишларни қўнчилик бўлиб ҳамжиҳатликда тезроқ ҳал этиш ва амалга ошириш зарур. Чунки вақт кутиб турмайди. Мустақил республикамизга мустақил кадрлар керак. Уларни билимдон, топқир, ташаббускор, ижодий ишлаш олдидан кишилар этиб тарбиялаш учун бугун жон куйдирмасак, эртага кеч бўлади.

И. СУЛАЙМОНОВ, Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти ректори. И. КАРИМОВ, шу институт умумтехника фанлари кафедраси мудири.

Харқуни капсуласини қабул қилар экансиз, сиз ўзинингизни мусалфо қиласиз, гузаллик ва майнлик бахш этасиз. Сизнинг бардам ва гузаллигингиз, Шашар дорихоналаридан сўранг. БЮТИ ПЛОС. ер / ашжанта фарма лимитед

ТАШКИЛОТ Тошкентдаги омбордан қуйидагиларни таклиф қилади: «ГАЗ-31» енгил автомобили шинаси, камераси билан (Днепропетровск), Гилам-поёндоз ва гиламлар (Хива), Аммиакли селитра (Чирчик). Телефонлар: 67-82-48, 126-35-02.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг биринчи ўринбосари Т. Гуськова онаси. Лилия ЯНИНАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. «Аска» банки бошқаруви ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг биринчи ўринбосари Татьяна Гуськова онаси. Лилия ЯНИНАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент Давлат аграр университетини раҳбарияти ва жамоаси кимё ва биокимё кафедраси профессори Собир ХОЛИҚОВнинг бевақ вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ Сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО. Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. БУЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Духқ ва қонунчилик 136-07-94; Иқтисодиёт 136-36-65; Қишлоқ ҳўжалиги 136-37-85; Маънавият 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фан, туризм, спорт ва харбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Қотибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25. Рўнхатдан ўтиш тартиби № 0001. Буюртма Г — 0823, 33.805 нухсала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа конерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди — 24.55. 1 2 3 4 5 6.